


Истиқлолнинг ilk гавридаёқ халқимиз танлаган ва дунёда "Ўзбек модели" деб ном олган, машҳур беш тамойилга асосланган, таърихий, босқичма-босқич ривожланишнинг Ўзбекистон йўли нақадагари тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, мамлакатимизда миллий тараққиётнинг ана шу ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўли асосига кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш ҳисобидан, авваламбор, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришилаётганини таъкидлаш мақсадагидир. Биргина рақам — кейинги 10 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб келаётганининг ўзи ҳам ушбу фикрни яққол тасдиқлайди.

Истиқлол йилларида, Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробардан зиёд ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар кўпайди. Шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 1,5 марта кўпайиб, 31,5 миллиондан ошганини инобатга олсак, бу кўрсаткичнинг аҳамияти янада яққол намойён бўлади. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли фаровонлигини ошириш учун замин яратмоқда. Бундай ютуқларнинг сабабларини, ҳеч шубҳасиз, мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг дунёқарши, сиёсий онги ва сависий тобора юксалиб бораётгани билан узвий боғлиқликда талқин этиш айни мудоаодир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бунинг са-



ЁШЛАР ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

баби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янги-ча фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кўни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суюнчимиз деб билганимиздадир.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ёшлари ўз озод ва обод Ватани, ўз эр-

кин ва бунёдкор халқи билан фахрланади. Яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган навбатдаги ижтимоий сўров шу мавзуга бағишланди. Сўров натижалари ёшларимиз ҳаётидан мамнунлиги ва ўз Ватани билан фахрланишини кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур ижтимоий тадқиқот Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёса-

тини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад ёшларимизнинг маънавий ва ҳаётий қадриятлари, маданияти ва "оммавий маданият"га нисбатан муносабатини ўрганишдан иборат бўлди.

Ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, таълим ёш авлоднинг ҳаётий қадриятлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунотчи, 2010-

2011 йилларда ўтказилган ижтимоий сўровларда ёшларнинг учдан бир қисми олий маълумотли бўлиш истагини билдирган бўлса, 2013 йилда ҳар иккинчи (57,2 фоиз), 2015 йилда эса 73 фоиз йигит-қиз олий таълим муассасасида ўқишни хоҳлашини билдирган. Улар орасида коллеж ва лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга ёшлар бор.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'tagi

Тадбиркорларнинг ишончли ҳимояси — тараққиёт кафолати

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар ва ортқиқча чекловларни бартараф этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмақда.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Президентимизнинг шу йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишда қабул қилинган навбатдаги муҳим дастурий ҳужжат бўлганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу фармон ва кейинги йилларда шу соҳада қабул қилинган қонунлар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг натижасида ўтган даврда юртимизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга

олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини факат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил январдаги бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир.

Айтиш керакки, адлия идоралари томонидан ҳам тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний ара-лашишларга йўл қўймаслик бўйича бир қатор чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Бунда тадбиркорларнинг мурожаатларини қонуний асосларда кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Инсонпарварлик, бағрикенглик, одиллик, адолат каби умумэътироф этилган тамойилларни ўзида мужассам этган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, жиний жазолар тизимини либераллаштириш, уни босқичма-босқич ва самарали тарзда маъмурий таъсир чораларига алмаштириш суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Истиқлол йилларида бу борада эришилган натижалар салмони ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Talab, taklif, mulohaza

Маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштириш йўлида

Бу ҳақда сўз борганда, кейинги даврда ярашилганлиги муносабати билан шахсни жиний жавобгарликдан озод қилиш, умумий юрисдикция судларини ихтисослаштириш, маҳкумларнинг жазони ўташ тартиби ва шароитларини либераллаштириш билан боғлиқ ютуқларимизни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айниқса, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар ваколатига ўтказилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича

Олий малака комиссияси фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ амалий тадбирлар мисолида соҳадаги ислохотларнинг ёрқин самаралари янада яққол кўринади.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу соҳадаги стратегик саъй-ҳаракатларнинг янги устувор йўналишлари ва асосий вазифаларини белгилаб берди.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи амалда самарали таъминланмоқда

Мамлакатимизда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари қатори давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига тақлиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам Конституция ва қонунларимизда кафолатлаб қўйилгани амалда ўз самарасини бермоқда.

Айниқса, бу борадаги қонунчилик асослари давр талабидан келиб чиқиб, изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Чунотчи, 2014 йил 3 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида" қабул қилинган қонуннинг амалга киритилгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

(Давоми учинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Судлар фаолиятида электрон тизимни жорий қилиш

бу борадаги ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда

Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг роғат муҳим тармови бўлган суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликини мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Шу боис мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бериш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлан-тиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш борасида дунё ҳамжамияти тан олаётган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" X халқаро мусиқа фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилмақда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли мусиқа анжумани



халқимизнинг миллий мусиқа санъати анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шунингдек, тили, маданияти, урф-одатлари турлича бўлган халқларни санъат воситасида бирлаштириш, уларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этишга хизмат қилмоқда.

Жаҳон узра янграмоқда Шарқ тароналари

"Шарқ тароналари" I халқаро мусиқа фестивали Голиби, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева мазкур фестивал ҳақида ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди: — Мусиқа инсон онги ва қалбида чуқур акс-садо бериб, уни олижаноб мақсадлар мушари илҳомлантирадиган, эзгуликка даъват этадиган кудратли кучдир. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, мусиқа санъатисиз руҳий қамолотга эришиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётди. Ушбу мусиқа байрами халқимизни дунё халқлари мусиқа санъатидан баҳраманд қилиш, жаҳон мушари илҳомлантирадиган, эзгуликка даъват этадиган кудратли кучдир. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, мусиқа санъатисиз руҳий қамолотга эришиб бўлмайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Ҳада шартномаси мулкий ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлашнинг муҳим кафолатидир

Аввало шуни айтиш керакки, шартномалар икки ёки ундан ортқиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувларнинг ифодаси сифатида ҳуқуқий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Ана шундай шартномалардан бири — ҳада шартномасидир.

Ҳада шартномасига кўра, бир тараф, яъни ҳада қилувчи бошқа тараф — ҳада олувчига ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи

(талаби)ни беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади.

(Давоми иккинчи бетда)

